

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING  
72 – СОНЛИ БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

22 сентябрь 2025 йил

**Тўлиқ номи:** “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти

**Қисқартирилган номи:** “InFinBank” АЖ

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

**Акциядорлар умумий йиғилиши тури:** навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:**

Тегишли материалларни Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориш. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг 2025 йил 29 августдаги 79 - сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси:** 2025 йил 22 сентябрь

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиш бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиш тугаган вақти: соат 16:00

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:**

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Корпоратив ахборот ягона порталида ([openinfo.uz](http://openinfo.uz)) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ҳамда 2025 йил 29 август санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришинома юборилган.

**Умумий йиғилишда қатнашдилар:**

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт/ID карта маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
<b>Жисмоний шахслар:</b>		<b>570 115 411</b>	<b>60,10%</b>
Маматджанов Фарход Фахритдинович	ID карта AD 8888881, IV 36015 томонидан, 30.10.2023 йилда берилган.	535 965 411	56,50%
Абдусаматов Парвиз Махсудович	ID карта AE 3331914, IV 60009 томонидан, 09.07.2025 йилда берилган.	34 150 000	3,60%
<b>Юридик шахслар:</b>		<b>378 634 589</b>	<b>39,90%</b>
“Prestij Rielt” МЧЖ ҚК	Директор – Юлдашев Илхам Рустамович (ID карта AD 5441644, IV 26296	301 488 817	31,77%

	томонидан, 16.12.2023 йилда берилган).		
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадиров Абдурашид Абдуваситович (ID карта AD 2771974, IV 26263 томонидан, 11.03.2023 йилда берилган).	77 145 772	8,13%
<b>Ҳаммаси, шу жумладан</b>		<b>948 750 000</b>	<b>100,00%</b>

2025 йил 16 сентябрь ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “InFinBank” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 948 750 000 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 948 750 000 тани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк Кузатув кенгаш раиси **Бурханов Бобир Нодирханович** маълум қилдики, “InFinBank” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк Кузатув кенгаш раиси **Бурханов Бобир Нодирхановични**, йиғилиш Котиби этиб, **Раҳматуллаева Лола Уткировна**ни, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Ильхам Рустамович** ва **Кадиров Абдурашид Абдуваситовични** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

<b>Йиғилиш Раиси:</b>	Банк Кузатув кенгаш Раиси <b>Бурханов Бобир Нодирханович</b>
<b>Йиғилиш Раёсати:</b>	Банк акциядорлари <b>Кадиров Абдурашид Абдуваситович</b> <b>Юлдашев Ильхам Рустамович</b>
<b>Йиғилиш Котиби:</b>	Корпоратив консултант <b>Раҳматуллаева Лола Уткировна</b>
<b>Таклиф этилганлар:</b>	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

### КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. Банкнинг 2025 йил II-чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш;
3. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

**1-масала. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш** юзасидан Йиғилиш раиси Б.Н. Бурханов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 15 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 10 дақиқа.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:*

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 948 750 000** та овоз (100%),

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**2-масала. Банкнинг 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.**

Мазкур масала бўйича Аудит Қўмитаси раиси З.С. Абдуллаев сўзга чиқиб, 2025 йил I ярим йиллик якунига кўра Банкнинг соф фойдаси 118 005 млн.сўм сўмни ташкил этганлигини ва 2025 йил I ярим йиллик якуни бўйича Банкнинг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга мувофиқлиги тўғрисида “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хулоса билан тасдиқланганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Банк Устави ҳамда Дивидендлар тўлаш сиёсатига мувофиқ, Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлилиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Аудит Қўмитаси раиси Банк Кузаиув кенгаши томонидан Банк акциядорлари умумий йиғилишига Банкнинг 2025 йил II чорак якунига кўра олинган 118 005 млн.сум (Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича 136 877 млн.сўм) соф фойдасини аввал 50 000 млн.сўм қисми акциядорларга дивиденд сифатида тўланганлиги ҳисоб олган ҳолда, қуйидагича тақсимлаш таклиф этилганлигини маълум қилди:

- 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойдадан 62 000 млн.сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 6 005 млн.сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдириш.

- 2025 йил II чорак якунига кўра Банкнинг ҳар бир жойлашган акциясига 65,35 сўмдан дивиденд тўлаб бериш;

- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб бериш;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2025 йил 22 сентябрь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2025 йил 21 ноябрь этиб белгилаш;

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. Банкнинг 2025 йил II чорак якунига кўра олинган 118 005 млн.сум соф фойдаси аввал 50 000 млн.сўм қисми акциядорларга дивиденд сифатида тўланганлиги ҳисоб олган ҳолда, қўйидагича тақсимлансин:

- 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойдадан 62 000 млн.сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;

- 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 6 005 млн.сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин;

- 2025 йил II чорак якунига кўра Банкнинг хар бир жойлашган акциясига 65,35 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;

- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;

- Дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2025 йил 22 сентябрь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2025 йил 21 ноябрь этиб белгилансин.

**Овоз бериш натижалари:**

**Рози – 948 750 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

**3-масала. Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Йиғилиш раиси Б.Н. Бурханов сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига Банкнинг ташкилий тузилмасига киритиладиган баъзи бир ўзгартиришлар тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Банкда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоратадбирларни ҳисобга олган ҳолда, Кузатов кенгаши фаолияти ҳажмининг ортиши муносабати билан, Кузатов кенгаши Банк Кузатов кенгаши қошида Корпоратив маслаҳатчи аппарати ташкил этилганлигини айтиб ўтди.

Банкда корпоратив бошқарувни мустақамлаш, мустақилликни ошириш ва банк хавфсизлигини таъминлаш бўйича назорат самарадорлигини кучайтириш мақсадида Банкнинг Банк хавфсизлиги департаменти ҳисобдорлигини ўзгартириб, уни тўғридан-тўғри Банк Кузатов кенгашига бўйсунуши бўйича таклиф этилди.

Ушбу ўзгариш қўйидагиларни таъминлашга қаратилганлигини таъкидлади:

- Департаментнинг Банк ижро органидан мустақиллигини ошириш;
- Хавфсизлик сиёсати ва хавф/таваккалчиликларни бошқариш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш юзасидан назоратни кучайтириш;
- Ички хавфсизлик ва қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини олдини олиш борасида ошкоралик ва холисликни ошириш;
- Корпоратив бошқарув ва ички назоратнинг энг илғор халқаро амалиётига мос келиш.

Ушбу чора Кузатов кенгашига Банк хавфсизлиги ҳолати бўйича холис ва мустақил маълумотларни тўғридан-тўғри олиш, ҳамда эҳтимолий хавфларга ўз вақтида муносабат билдириш имконини беришини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда, Банкнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилишига киритилгани айtilди ва йиғилиш қатнашчиларидан Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан 1-иловага мувофиқ танишиб чиқиш сўралди.

Йиғилишдаги акциядорлар Банкнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан танишиб чиқгач, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

*3. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.*

**Овоз бериш натижалари:**

**Рози – 948 750 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

### **ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:**

*Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:*

1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 15 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

*Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:*

2. Банкнинг 2025 йил II чорак якунига кўра олинган 118 005 млн.сум соф фойдаси аввал 50 000 млн.сўм қисми акциядорларга дивиденд сифатида тўланганлиги ҳисоб олган ҳолда, қуйидагича тақсимлансин:

- 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойдадан 62 000 млн.сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;
- 2025 йил II чорак якуни бўйича соф фойданинг қолган қисми 6 005 млн.сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин;
- 2025 йил II чорак якунига кўра Банкнинг хар бир жойлашган акциясига 65,35 сўмдан дивиденд тўлаб берилсин;
- Дивидендларни пул маблағлари билан Банк устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;
- Дивидендларни тўлашни бошлаш санаси 2025 йил 22 сентябрь этиб ва уларни тўлашни тугатиш санаси 2025 йил 21 ноябрь этиб белгилансин.

*Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:*

3. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “22” 09 2025 йил.

**Йиғилиш раиси**

**Б.Н. Бурханов**

**Йиғилиш котиби**

**Л.У. Рахматуллаева**